

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ

НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА



2021 йил 7-сон



- определять индивидуальные показатели применяемых средства специальной силовой подготовки в учебно-тренировочном процессе, что в свою очередь будет способствовать формированию у них способности эффективно проявлять специальные силовые качества в конкретных технико-тактических действиях с учетом вида спорта или амплуа. Всё это будет способствовать увеличению надежности и результативности участия высококвалифицированных спортсменов в ответственных соревнованиях всех уровней.

Создана и апробирована инструментальная методика, которую можно рекомендовать для объективной оценки уровня скоростно-силовой подготовленности спортсменов.

Выявлен ряд особенностей структуры и тенденций в динамике уровня скоростно-силовой подготовленности, имеющих важное значение для рационализации методики специальной силовой подготовки.

Установлена исключительная ценность систематической регистрации уровня скоростно-силовых способностей спортсменов для реализации идеи оптимального управления тренировочным процессом.

#### **Список использованной литературы:**

1. 8 Things You Didn't Know About Handball. Olympics. IOC. Дата обращения: 19 июля 2018 года.
2. Barbara Schrot. Team Handball, The Canadian Encyclopedia. Historica-Dominion Institute (6 October 2011), 19 сентября 2012 года.
3. John Anthony Cuddon, The Macmillan Dictionary of Sports and Games, p.393, Macmillan, 1980, ISBN 0-333-19163-3
4. Handball History : HAND-BALL.ORG. [www.hand-ball.org](http://www.hand-ball.org).

#### **ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОСИННИГ ДОЛЗАРБЛИГИ**

Абдуллаев Дилшодбек Юлдашали ўели

Наманган давлат университети ўқитувчиси

[abdullayevdilshodbek1992@mail.ru](mailto:abdullayevdilshodbek1992@mail.ru)

+99897-214-48-08

**Аннотация:** Мақолада ҳуқуқий-демократик давлатни барто этишида ёшларни фуқаролик рухида тарбиялашининг аҳамияти ва юқори синф ўқувчиларида фоал фуқаролик позициясини шакллантиришининг ҳуқуқий-мөърий ва педагогик асослари ҳақида сўз юритилган.

**Калит сўзлар:** фуқаро; фуқаролик; фуқаролик тарбияси; Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси; "Тарбия" фани; фуқароликнинг тарқибий қисмлари.

#### **АКТУАЛЬНОСТЬ ПРОБЛЕМЫ ФОРМИРОВАНИЯ АКТИВНОЙ ГРАЖДАНСКОЙ ПОЗИЦИИ У УЧАЩИХСЯ СТАРШИХ КЛАССОВ**

Абдуллаев Дилшодбек Юлдашали ўели

Преподаватель Наманганского государственного университета

[abdullayevdilshodbek1992@mail.ru](mailto:abdullayevdilshodbek1992@mail.ru)

+99897-214-48-08



**Аннотация:** В статье говорится о значении воспитания молодежи в гражданском духе в построении правового и демократического государства и о нормативно-правовой и педагогической основе формирования активной гражданской позиции у старшеклассников.

**Ключевые слова:** гражданин; гражданственность; гражданское воспитание; Концепция непрерывного духовного воспитания; наука "Воспитание"; компоненты гражданственности.

## THE RELEVANCE OF THE PROBLEM OF FORMING AN ACTIVE CIVIC POSITION AMONG HIGH SCHOOL STUDENTS

Abdullayev Dilshodbek Yuldashali og'li

Teacher of Namangan State University

[abdullayevdilshodbek1992@mail.ru](mailto:abdullayevdilshodbek1992@mail.ru)

+99897-214-48-08

*Annotation: The article discusses the importance of educating young people in the civic spirit in building the State based on the rule of law and democracy and the legislative and pedagogical basis for the formation of an active civic position among high school students.*

*Key words:* citizen; citizenship; civic education; Concept of continuous spiritual education; science "Education"; components of citizenship.

Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар хуқуқий-демократик жамиятни барпо этишга йўналтирилган. Хуқуқий-демократик жамиятни барпо этишнинг асосий шартларидан бири ёш авлодга хуқукий тарбия бериш, уларда хуқукий маданият, фаол фуқаролик позициясини шакллантиришдир.

“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларида ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш мақсадида жисмонан соғлом, рухан ва аклан ривожланган, мустакил фикрлайдиган, Ватанга содик, катъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш<sup>27</sup> зарурлиги кўрсатиб ўтиди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев бу борадаги вазифалар хусусида сўз юритиб, “Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошлилади”, деган гоя асосида кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш, ... ёш авлодга боғча, мактаб ва олийгоҳда сифатли таълим-тарбия беришни йўлга қўямиз, улар жисмоний ва маънавий соғлом, ватанпарвар инсонлар бўлиб улгайиши учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этишимиз, ёшларни замонавий биим ва тажрибалар, миллий ва умумбашарий кадриятлар асосида мустакил ва мантикий фикрлайдиган, эзгу

<sup>27</sup> “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонига 2-ИЛОВА.



фазилатлар эгаси бўлган инсониар этиб вояга етказишимииз зарурлигини<sup>28</sup> таъкидлайдиар.

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш аводни тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кутарилиган бир вақтда ёшларнинг хукуқий онпини юксалтириш ва фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, уларни қонунларга хурмат руҳида тарбиялаш таълим муассасалари олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Хукуқий демократик давлат қуриш ва жамият тараққиётининг ривожи ўсиб келаётган аводнинг хукуқий саводхонлиги ва юксак даражадаги фуқаролик маданиятининг юкорилилтига боеликдир. Бунинг учун таълим ва тарбия тизимиning барча бўйинлари фаолиятини буғунги кун талаблари асосида такомилиштириши ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб билишимиз лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Ўзлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ёшларни мустакил ҳаётга дунёкараши кенг, фаол фуқаролар этиб тарбиялаш мақсадини кўзлаб қабул қилинди.

“Ўзлуксиз маънавий тарбия Концепцияси”да Ватанга садоқат, бурч ва масъулият, ташаббускорлик ва бошқа фазилатлар ёшлиар онпидан назарий тушунча сифатида колиб кетгани ҳолда унинг табиатида амалий одатларга айланмаётганилини, бунинг оқибатида уларнинг ушбу фазилатлар ҳакидаги сўзлари билан амаллари орасида тафовут намоён булаётгани, бу эса ҳар йили мустакил ҳаётга кириб келаётган йипит-қизларнинг ҳаётда ўз ўринларини олишларида бир қатор муаммоларни келтираётганилини<sup>29</sup> алоҳида таъкидлаб тутилди.

Концепцияда белгиланган вазифаларни оила ва узлуксиз таълим тизимида амалга ошириш боқичлари ҳамда умумий ўрга таълим муассасаларининг I-XI синфлари учун “Одобнома”, “Ватан туйуси”, “Миляй истиқлом тояси ва маънавият асослари”, “Динлар тарихи” фанларини бирлаштирган ҳолда “Тарбия” фанини жорий этиш белгилаб берилди.

Шунингдек, концепцияда умумтаълим мактабларининг ўрга ва юқори синф ўқувчиарини маънавий-ахлоқий тамойиллар асосида тарбиялашда: ўсмирик ёшига хос ички позициянинг пайдо булиши; ижтимоий фаоллик, билишга интилиш ва ўзини намоён қилиш мотивларининг ривожланиши; фуқаролик позицияси, ўзи ва атрофдапиларга ҳамда жамиятга муносабат асосларининг шакланишини инобатга омниши лозим бўлган жиҳатларга эътибор қаратиш кўзда тутилди.

Умумтаълим мактабларида ўқитишиадиган “Тарбия” фани давлатнинг таълим-тарбия соҳасидаги сиёсатини амалга оширишда мавжуд бўлган долзарб муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган бўлиб, ўқувчilarда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, уларнинг ҳар томонлама ижтимоийлашувига кўмаклашиш, самарали ҳамкорлик қилиш, вақтини мазмунли ташкил этиш, миллий, маънавий ва умуминсоний

<sup>28</sup> Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиста ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси. 29.12.2020. <https://president.uz/uz/lists/view/4056>.

<sup>29</sup> Узлуксиз маънавий тарбия КОНЦЕПЦИЯСИ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сон қарорига 1-ИЛОВА. 2019 йил 31 декабрь.



қадриятларни хурмат қилиш, ўзларининг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рӯёбга чиқаришга хизмат қиласди<sup>30</sup>.

Фуқаролик шахснинг муайян жамиятта мансублигини ифодаловчи ҳолат бўлиб, у турли даврларда ҳам ижтимоий ҳаётда етакчи ўринни эгаллаган қарашлар нуқтаи назаридан тавсифлаб келинган бўлиб, бутунги кунда фуқароликнинг асосий таркибий қисмлари сифатида:

- муайян давлат аъзоси эканлигини ҳис этиш, шахс тақдирни давлат ва жамият ҳаёти билан узвий чамбарчас боелиқ эканлигини тушуниб этиш;
- ҳалқ, давлат олдидағи фуқаролик хукуқ ва бурчларини қонунчилик асосида билиш, уларга сўзсиз, қатъий амал қилиш;
- ўз ҳалқи ва давлатининг ўтмиши ва ҳозирига хурмат туйғусини қарор топтириш, шахсий манфаатларидан давлат манфаатларини устун қўя билиш, ҳалқ фаровонлиги, Ватан равнақи, юрг тинчлиги истиқболи учун курашишга тайёр туриш;
- давлат рамзлари (мадхия, герб, байрок)га нисбатан чексиз муҳаббатни қарор топтириш, улар муҳофазаси учун тайёргарлик, давлат рамзларининг миллат, ҳалқ орнумуси, шаъни, қадр-қиммати эканлигини англаш;
- ижтимоий-сиёсий онглилик ижтимоий фаоллик, давлатнинг ички ва ҳалқаро сиёсати қоидаларини тушуниш ва идрок қилиш;
- миллий ва умуминсоний қадриятларга содикликни тарбиялаш;
- хукуқ мэъёрларининг бузилишига нисбатан муросасиз курашиш кабиаар киради<sup>31</sup>.

Фуқаро бир вақтда ўз бурчи ва мажбуриятларини чукур англовчи, жамият ҳаётини йўлга қўйишда фаол иштирокчи, хукукий жамият олдида турган жорий ва истиқбол вазифаларни ҳал этувчи, жамиятни бошқаришда бевосита ва бивосита иштирок этувчи, мамлакат қудратини мустаҳкамлаш йўлида моддий ва маънавий бойликларни яратувчи, миллий қадриятларни асраб-авайловчи, миллий анъаналарга содик, миллат вакиилари томонидан ҳалқаро майдонларда қўлра киритилаётран ютуқлардан фаҳрлана олувчи, миллат ва мамлакат обрўси учун курашувчи, Ватан мудофаасини таъминловчи шахс сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида шундай дейилади: “Фуқаролар ўз хукуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, хукуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт”<sup>32</sup>. Бу қоиданинг мазмуни шахсий ва ижтимоий манфаатларнинг уйгунашганилигида ифодаланади. Ҳар бир фуқаро ўз хукуқ ва эркинликларини,

<sup>30</sup> Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун “Тарбия” фани КОНЦЕПЦИЯСИ. Вазирлар Махдомасининг 2020 йил 6 ишоддаги 422-сон қарорига З-ИЛОВА

<sup>31</sup> Xasanboyev J., To'raqulov X., Alqarov I., Usmonov N. Pedagogika. –T.: "Noshir", 2011.- 198 b.

<sup>32</sup> O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. –T.: O'zbekiston, 2003. 6-bet.



бурчмарини яхши билиши, англаши – унинг бошқа кимсалар томонидан поймол этишишига йўл қўймаслигидир.

Хукукий-фуқаролик маданияти юқори бўлган фуқаро "...жамиятга берувчи фойдалари ва жамиятдан олувчи манфаатлари нисбатини теран англовчи ҳамда ўз амалиётида бу нисбатда мувозанат бузилмаслигига қатъий риоя этувчи субъектдир"<sup>33</sup>. Фаол фуқаролик позициясини шакллантириш мураккаб ва давомийлик хусусиятига эга жараён ҳисоблансанда, ўкувчилик йиллари бу жараён учун пойдевор бўлади.

Фаол фуқаролик позициясини шакллантириш юқори синф ўкувчилари томонидан хукукий маданиятни ифода этувчи сифатлар моҳиятини чукур англай олинини асосида шаклланади. Шу жиҳатдан олганда ўкувчиларни турли мазмундаги ижтимоий муносабатлар жараёнида фуқаро томонидан амалга ошириши зарур бўлган хатти-харакатлар, уларнинг ижтимоий-хукукий хусусиятлари билан таништириб бориш мақсадга мувофиқдир. Бу ўринда умумтаълим мактабларида ташкил этилаётган маънавий-матърифий тадбирлар ҳам муҳим ўрин тутади.

Юқори синф ўкувчилари шахснинг шаклланнишида фаол фуқаролик позициясини ўрни ва унда ижтимоий мухитнинг таъсирини ҳам ҳисобга олиш кутилган натижани кағолатлайди. Зоро, ижтимоий мухитда рўй бераётган ҳолатлар, уларнинг йўналишлари, мазмuni ва моҳияти, жамиятда устувор ўрин эгаллаган ижтимоий-хукукий қарашлар ўкувчиларнинг шахс сифатида шаклланнишига бевосита таъсир этади.

Муаммо юзасидан яратилган ижтимоий-хукукий, фалсафий, тарихий, педагогик ва психологияк адабиётлар билан танишиш, умумтаълим мактаблари фаолиятини ҳар томонлама ўрганиш, педагоглар ҳамда ўкувчилар билан мулоқотда бўлиш, уларнинг фаолиятини педагогик жиҳатдан таҳлии килиш уларга фаол фуқаролик позициясини шакллантириш борасида айrim муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Жумладан:

- умумтаълим мактаблари фаолияти (ҳам таълим жараёнида, ҳам дарсдан ташқари тарбиявий ишлар жараёни)да ўкувчиларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш масаласи етакчи ўринни эгалламаган;
- ўкувчиларнинг кўтнилиги "фуқаролик", "фуқаролик позицияси" тушунчалари непизида қандай маънавий-ахлоқий сифатлар мавжуд бўлиши ҳақида етарли тасаввурга эга эмаслар;
- фан ўқигувчилари ва турӯҳ мураббийлари таълим ва тарбия жараёнида фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратмайдилар;
- ўкувчиларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш борасида ўкув фанларининг имкониятларидан ўринли фойдаланилмайди;
- маънавий-матърифий тадбирлар режасида ўкувчиларга фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга йўналтирилган турли тадбирлар ўз аксини топмаган;
- юқори синф ўкувчиларига фаол фуқаролик позициясини шакллантиришнинг яхлит тизими яратилмаган ва пухта асосланган фуқаролик тарбиясини бериш технологияси ишлаб чиқиммаган.

Юқори синф ўкувчиларида фаол фуқаролик позициясини шакллантиришнинг асосий мақсад ва вазифалари Конституцияни, Давлат ҳақидаги таълимотни, чунончи, фуқаролар, оила, меҳнат, хўжалик, маъмурий, нафақа, суд ишларини юритиш ва бошқа

<sup>33</sup> Jo'raev N. G'oyaviy imunitetyoki ma'naviy xaloskorlik tuyg'usi. – T.: O'zbekiston, 2001. 52-bet.



хукуқларнинг маъносини тушунтиришдан, болаларни давлат қонунларини хурмат килиш ва ва уларга сўзсиз риоя этиш, хукуқий бииимларни эгаллаш, тарбия ва интизомни бузувчиларга нисбатан муросасиз бўлиш руҳида тарбиялаш, халқаро хукуқнинг аҳамиятта молик масалалари (БМТ хавфсизлик кенгаши ва ҳоказо) фаолияти ҳакида ўқувчиларнинг умумий тасаввурларини шакллантиришдан иборат эканлиги кўзда тутилиши зарур.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги ёш авлод шу ўлкани, шу муқаддас заминни яна ҳам бой, кучли ва қудратли бўлиши учун қайгурадиган, юртимизни дунёга танилишида ўз хиссасини қўшадиган фаол, жонқуяр, Ватанпарвар фуқаро бўлиши учун уларни маънан мукаммал ва интеллектуал ривожлантириш, шунингдек умумтаълим мактабларида ўқитиладиган ижтимоий фаниларнинг имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш зарур.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. – T.: O'zbekiston, 2003. 6-bet.
2. "2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонига 2-ИЛОВА.
3. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 29.12.2020. <https://president.uz/uz/lists/view/4056>.
4. Узлуксиз маънавий тарбия КОНЦЕПЦИЯСИ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ни 1059-сон карорига 1-ИЛОВА. 2019 йил 31 декабрь.
5. Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиари учун "Тарбия" фани КОНЦЕПЦИЯСИ. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 июлдаги 422-сон қарорига 3-ИЛОВА
6. Xasanboyev J., To'raqulov X., Alqarov I., Usmonov N. Pedagogika. – T.: "Noshir", 2011. – 198 b.
7. Jo'raev N. G'oyaviy immunitet yoki ma'naviy xaloskorlik tuyg'usi. – T.: O'zbekiston, 2001. 52-bet.

УДК 681.3

**ИССЛЕДОВАНИЯ ОБЩИХ МАТЕМАТИЧЕСКИХ ХАРАКТЕРИСТИК  
ПРИЛОЖЕНИЯ ЛОГИЧЕСКИХ ОПЕРАЦИЙ И ТАБЛИЧНОЙ ЗАМЕНЫ В  
КРИПТОГРАФИЧЕСКИХ ПРЕОБРАЗОВАНИЯХ**

Акбаров Давлатали Епиталиевич<sup>1</sup>, Умаров Шухратжон Азизжонович<sup>2</sup>.

<sup>1</sup>Какандский государственный педагогический институт

<sup>2</sup>Ферганский филиал Ташкентского университета информационных технологий имени Мухаммада ал-Хорезми

**Аннотация:** В статье исследованы общие математические характеристики приложения логических операций и табличной замены. Установлены достаточные условия криптостойкости преобразования по свойствам таблицы истинности логических операций и табличной замены. Введены некоторые определения выражающие особенности и свойства



ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ  
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ  
PEDAGOGICAL SCIENCES

13.00.00	ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ PEDAGOGICAL SCIENCES	
79	Кластер как инновационный подход к педагогическому образованию	
	Ботирова Ш.И .....	414
80	Жисмоний тарбия дарсларида бошлангич синф ўқувчиларида ахлоқий фазилатларни шакллантириш механизми, принциплари ва методлари	
	Дадабоев Р.Р .....	426
81	Таълимнинг ижтимоий соҳасида ўқитиш тушунчалари	
	Охунова Ш.Қ .....	431
82	Ecological approaches in sciences and bringing up young people with the spirit of national and general (universal) values in the base of it	
	Mirzamakhmudov O.T, Turaev B.B .....	435
83	Tarbiyachining mактабгача ta'lim tashkilotida ta'lim tarbiyaviy ishlarni samarali tashkil etishda mariya montessori metodikasidan foydalanish	
	G'ulomjonova M.A .....	439
84	Didaktika va uning mohiyati	
	Komilova N.A .....	443
85	Skandinavcha yurish – inson organizmiga ijobiy ta'siri bo'yicha adabiyotlar sharxi	
	Azizov M.M .....	448
86	Мактаблар ижтимоий-маънавий мухитини ташкил этиш (муаммо ва ечимлари)	
	Бойзакова У.А, Болтаева М.Л .....	452
	O'quvchilar ijtimoiy faolligini oshirishning nazariy-metodologik asoslari	
87	Abdullayeva K.R .....	457
88	Elektrotexnika materialari fanini o'qitish jarayonida talabalar mustaqil ishlarini tashkil etishning zamонавий usullari	
	Xalilova F.A .....	462
89	Применение компьютерной программы анализа силовых показателей на высококвалифицированных гандболистах	
	Абдалимов А.О .....	466
90	Юқори синф ўқувчиларида фаол фуқаролик позициясини шакллантириш муаммосининг долзарблиги	
	Абдуллаев Д.Ю .....	477
91	Исследования общих математических характеристик приложения логических операций и табличной замены в криптографических преобразованиях	
	Акбаров Д. Е, Умаров Ш.А .....	476
92	Umumta'lim mактаблари o'quvchilarining sotsiolingvistik kompetentsiyasini shakllantirish bo'yicha tavsiyalar (tarixiy va adabiy xarakterdagi o'lkashunoslik matnlari asosida)	
	Alimsaidova S. A .....	480

